"Навоийазот" АЖ: экспорт географияси кенгаймоқда

// 04 yanvar 2025 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/navoiyazot-azh-eksport-geografiyasi-kengaymoqda



2024-йилда корхона томонидан ишлаб чиқарилган карбамид, аммиакли селитра, суюқ хлор, ПВХ, суюқ аргон, хлорид кислотаси, суюқ аммиак сингари маҳсулотлар хорижий мамлакатларга етказиб берилди.

Поёнига етган йил давомидаги экспорт ҳажми 107 миллион 406 минг доллардан ошди.

Бугунги кунда жамият кимёвий маҳсулот ва минерал ўғитлари Австрия, Афғонистон, Белоруссия, Болгария, Греция, Ироқ, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва, Малайзия, Молдова, Монголия, Мьянма, БАА, Польша, Россия, Руминия, Тожикистон, Туркманистон, Таиланд, Туркия, Украина, Хорватия, Швейцария, Швеция, Эстония, Япония каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

"Навоийазот" АЖ ахборот хизмати